

Бош илмий-методик  
марказ

# 2021

Ўқув-услубий мажмуа

**МОЛИАВИЙ ҰЗ-ЎЗИНИ  
ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИДА  
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ  
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА  
БОШҚАРИШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**“Таълим тизими менежменти” йўналиши учун**

**“МОЛИЯВИЙ ЎЗ-ЎЗИНИ ТАЪМИНЛАШ  
ЖАРАЁНИДА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ  
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ”**

**модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Тузувчи:** **О.Саттаров** – иқтисод фанлари доктори, профессор.в.б

**Такризчи:** **С.Мехмонов** – иқтисод фанлари доктори, профессор

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

## МУНДАРИЖА

|   |            |
|---|------------|
| <b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>   | <b>5</b>   |
| <b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН<br/>ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b> | <b>65</b>  |
| <b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>   | <b>255</b> |
| <b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>                                     | <b>55</b>  |
| <b>V. ГЛОССАРИЙ .....</b>   | <b>66</b>  |
| <b>VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>   | <b>69</b>  |



# I. ИШЧИ ДАСТУР

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси”, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрда «Олий таълим муассасаларини бошқичма-бошқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида»ги 967-сонли Қарорларида олий таълим муассасаларини молиявий ўзини-ўзи таъминлаш масалаларининг меъёрий-ҳуқуқий асослари бўлиб хизмат қилади.

Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда олий таълим муассасаларига бошқичма-бошқич молиявий мустақиллик бериш, уни аташқил этиш ва амалда қўллаш механизмлари, молиявий мустақиллик беришнинг ўзига хос хусусиятлари акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида 2021 йилни мамлакатимизда “**Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили**” деб эълон қилди.

Шунингдек, Мурожаатномада **2021 йилда юртимиздаги 30 та етакчи олийгоҳга ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, қабул квотаси ва молиявий масалаларни мустақил ҳал қилиш ҳуқуқи** берилиши алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизнинг барча соҳаларида ислоҳотларни амалга ошириш, одамларнинг дунёқарашини ўзгартириш, етук ва замон талабига жавоб берадиган мутахассис кадрларни тайёрлашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Республикада таълим тизимини мустаҳкамлаш, уни замон талаблари билан уйғунлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Бунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва тарбия бериш тизими ислоҳотлар талаблари билан чамбарчас боғланган бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Замон талабларига

жавоб бера оладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш, Давлат талаблари асосида таълим ва унинг барча таркибий тузилмаларини такомиллаштириб бориш олдимизда турган долзарб масалалардан биридир.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулнинг мақсади:** Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси тингловчиларига олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик беришнинг аҳамияти, унинг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари, шунингдек, олий таълим муассасаларининг пул маблағларини мустақил тасарруф этиш ва фойдаланиш тартибини ўрганишдан иборат.

#### **Модулнинг вазифалари:**

- олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик беришнинг аҳамияти, унинг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликларини ўрганиш;
- хорижий давлатларнинг олий таълим муассасалари мисолида молиявий мустақиллигини таҳлил этиш;
- олий таълим муассасалари молиявий маблағларини режали ва мустақил молиялаштириш моделларини солиштирма таҳлил қилиш;
- молиявий ўзини-ўзи таъминлаш жараёнида таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришни таҳлил этиш;
- олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжати сифатида қонун ва қонун ости ҳужжатларини таҳлил этиш;
- тингловчиларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалда қўллаш кўникмаси ва малакаларини шакллантириш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиш ва уларни ижросини таъминлаш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

*“Молиявий ўзини-ўзи таъминлаш жараёнида таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:*

#### **Тингловчи:**

- Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея, Япония давлатларининг олий таълим муассасалари молиявий мустақиллигини амалга оширишнинг хусусиятларини;
- Молиявий мустақиллик бериш асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари;

- Талабалар контингенти, таълим йўналишларини ташкил этиш, профессор-ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш масалаларини мустақил бошқариш;
- таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари, таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмунини;
- таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асосларини;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари мазмуни;
- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг мазмунини;
- Молиявий ўзини-ўзи таъминлаш жараёнида таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш ҳақидаги **билимларга эга бўлиши**;
- Молиявий мустақиллик бериш асосида олий таълим жараёнларини ташкил этиш;
- Молиявий ўзини-ўзи таъминлаш жараёнида талабаларнинг тўлов контракт суммаларини мустақил белгилаш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ОТМлари молиявий ўзини-ўзи таъминлаш жараёнларини ташкиллаштириш;
- 2021-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси асосида ОТМ\факультет\кафедрани ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида молиявий ўзини-ўзи таъминлаш жараёнини ташкил этиш;
- Молиявий ўзини-ўзи таъминлаш жараёнида таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш бўйича **компетенцияларни эгаллашлари лозим.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Молиявий ўзини-ўзи таъминлаш жараёнида таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.



Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, блиц-сўровлар, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерфаол таълим методларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Молиявий ўзини-ўзи таъминлаш жараёнида таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш” ва бошқа шу каби модуллар билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар молиявий ўзини-ўзи таъминлаш жараёнида таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришга оид норматив-ҳуқуқий асосларини ўрганиш, уларни таҳлил этиш, амалда қўллашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

## **МОДУЛ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ**

| №  | Модул мавзулари  | Аудитория ўқув юклариси |          |                 |
|----|--|-------------------------|----------|-----------------|
|    |  | Жами                    | Назарий  | Амалий машғулот |
| 1. | Таълим муассасалари молиявий таъминоти таркиби ва уларни бошқариш                                      | 2                       | 2        |                 |
| 2. | Таълим муассасаларида ўзини-ўзи молиялаштириш тизимини ташкил этиш, молиявий мустақиллик               | 2                       | 2        |                 |
| 3. | Молиявий ўзини-ўзи таъминлаш жараёнида таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш амалиёти | 4                       |          | 4               |
| 4. | Молиявий ўзини-ўзи таъминлаш орқали олий таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш                  | 4                       |          | 4               |
|    | <b>Жами:</b>   | <b>12</b>               | <b>4</b> | <b>8</b>        |

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-МАВЗУ: ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТИ ТАРКИБИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ (2 СОАТ)

#### Режа:

1. Таълим муассасалари молиявий таъминотининг таълим сифатини оширишдаги ўрни.
2. Таълим муассасасининг молиявий таъминотининг қонунчилик аослари.
3. Таълим муассасалари молиявий таъминоти манбаалари ва уларни бошқаришнинг амалдаги тизими.
4. Таълим муассасалари молиявий таъминотини бошқаришнинг хориж тажрибалари.

Таълим соҳасини бошқариш, хусусан, молиявий ўзини-ўзи таъминлаш жараёнида таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Профессор-ўқитувчиларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимида оид қабул қилган фармонлари ва қарорлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимида оид тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Олий таълимни молиялаштириш моделлари ва унинг назарий асослари, унинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти.

### 2-МАВЗУ: ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎЗИНИ-ЎЗИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИК (2 СОАТ)

#### Режа:

1. Таълим муассасалари ўзини ўзи молиялаштириш тизимида ўтишнинг зарурияти, аҳамияти, йўллари
2. Таълим муассасасида илмий-инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштириш
3. Таълим муассасаси инвестицияларни жалб этишнинг асосий йўналишлари

4. Таълим муассасаларини молиявий мустақиллиги шароитида ўқув, услубий, илмий, маънавий, маърифий ва ташкилий фаолиятини молиявий таъминотини ташкил этиш

Мамлакатимизда илмий ва илмий-техникавий фаолиятни амалга ошириш, илмий-техникавий ва инновацион ривожланишни таъминлаш учун қулай шарт-шароитларни яратишда мавжуд молиявий ва моддий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, 2014 — 2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмаларни молиялаштириш учун қарийб 800 миллиард сўм ажратилиб, уларнинг натижаларига кўра илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан 700 дан ортиқ ихтиро патентлаштирилди.

Шу билан бирга, иқтисодиётнинг жадал ривожланиши мамлакат илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий ва илмий-техникавий фаолияти натижаларини тижоратлаштиришда мавжуд салоҳиятдан янада тўлиқ фойдаланиш заруратини тақозо этмоқда.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-МАВЗУ: МОЛИЯВИЙ ЎЗИНИ-ЎЗИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИДА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ АМАЛИЁТИ (4 СОАТ)**

Молиявий ўзини-ўзи таъминлаш жараёнида олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг амалиёти. Ўзбекистон Республикасида молиявий ўзини-ўзи таъминлашга ўтган 10 та ОТМлари фаолиятини амалий таҳлил этиш ва тегишли хулосалар шакллантириш. Келгусида республика бошқа ОТМларига ҳам молиявий мустақиллик бериш масалаларини муҳокама этиш ва унинг амалий таҳлили.

Олий таълимни молиялаштириш, жумладан, молиявий ўзини-ўзи таъминлаш ва унинг асосий компонентлари асосида молиявий мустақиллигини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти.

## **2- МАВЗУ: МОЛИЯВИЙ ЎЗИНИ-ЎЗИ ТАЪМИНЛАШ ОРҚАЛИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ (4 СОАТ)**

Молиявий ўзини-ўзи таъминлаш жараёнида олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда мавжуд муаммолар ва уларнинг талқини.

Молиявий ўзини-ўзи таъминлаш жараёнида олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўллари.

Молиявий ўзини-ўзи таъминлаш жараёнида олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, мотивацияни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (аналитик маълумотлар асосида молиявий ўзини-ўзи таъминлаш юзасидан таклиф бериш қобилиятини ривожлантириш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (аналитик маълумотлар асосида молиявий ўзини-ўзи таъминлаш юзасидан муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.:Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июль “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сонли Фармони

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июль “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрь «Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимида ўтказиш тўғрисида»ги 967-сонли Қарор

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 август «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги “343-сонли қорорига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли қарори.

### **III. Махсус адабиётлар:**

18. Олий таълимнинг меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлари тўплами. -Т., 2013.

19. Распространение Болонского процесса: о декларации к внедрению на практике. В 3-х частях. Часть 2. Тенденции развития Болонского процесса, его инструменты и опыт внедрения / Р.Р. Агишев, И.В. Анисимова, Ш.М. Валитов, Д.А. Гопкало, В.Г. Крюков, А.Е. Пушкина, Л.А. Симонова, А.П. Снегуренко. Под ред. проф. Р.Р. Агишева. - Казань, КГТУ им. А.Н. Туполева, 2008. - 118 с.

20. The European Higher Education Area. - Joint Declaration of the Ministers of Education. - Bologna, 1999, 19 June.

21. Shaping our Own Future in the European Higher Education Area // Convention of European Higher Education Institutions. - Salamanca, 2001, 29-30 march.

### **IV. Интернет сайтлар:**

22. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

23. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

24. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъкил этиш бош илмий-методик маркази.

25. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet.

26. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “KWLH” методи:

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича қўйидаги жадвалда берилган саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

*Know – нималарни биламан?*

*Want – нимани билишни хоҳлайман?*

*How - қандай билиб олсам бўлади?*

*Learn - нимани ўрганиб олдим?.*

| <b>“KWLH” методи</b>  |  |
|---|--|
| <p><b>1. Нималарни биламан:</b></p> <p>-</p>                  | <p><b>2. Нималарни билишни хоҳлайман, нималарни билишим керак:</b></p> |
| <p><b>3. Қандай қилиб билиб ва топиб оламан:</b></p> <p>-</p> | <p><b>4. Нималарни билиб олдим:</b></p>                                |

### “W1H” методи:

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича қўйидаги жадвалда берилган олтига саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

|              |   |  |
|--------------|---|--|
| <p>What?</p> | <p>Нима?<br/>(таърифи, мазмуни, нима учун ишлатилади)</p> |  |
|--------------|---|--|



|            |   |  |
|------------|---|--|
| Where?     | Қаерда (жойлашган, қаердан олиш мумкин)?                            |  |
| What kind? | Қандай? (параметрлари, турлари мавжуд)                              |  |
| When?      | Қачон? (ишлатилади)   |  |
| Why?       | Нима учун?<br>(ишлатилади)  |  |
| How?       | Қандай қилиб? (яратилади, сақланади, тўлдирилади, тахрирлаш мумкин) |  |

### “SWOT-таҳлил” методи:

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

**S – (strength)**

- кучли томонлари

**W – (weakness)**

- заиф, кучсиз томонлари

**O – (opportunity)**

- имкониятлари

**T – (threat)**

- хавфлар

## SWOT -таҳлили

|               |          |
|---------------|----------|
| Strengths     | Weakness |
| Opportunities | Threats  |

- S-кучли томони
- W- кучсиз томони

- O- имконият
- T- тўсиқлар

### Кейс-стади” методи:

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин.

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

| Иш босқичлари   | Фаолият шакли ва мазмуни  |
|---|---|
| <b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш | <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul> |
| <b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш  | <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>   |

|  |   |
|--|---|
| <b>3-босқич:</b> Кейсадаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш | <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>                                  |
| <b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.   | <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ яққа ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul> |

### **“Ассесмент” методи.**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.



**Тест**

- 

**Муаммоли вазият**

**Тушунча таҳлили  
(симптом)**

**Амалий вазифа**

**“SCAMPER” методи:**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод муаммоларни бартараф этиш бўйича янги инновацион ҳояларни ишлаб чиқишга йўналтирилган. SCAMPER "тез югуриш" деган маънони англатади. SCAMPER тушунчаси кенгайтмаси (7 та)нинг ҳар биридан 7 қатордан ва 3 устундан иборат жадвал яратиш талаб этилади.

**SCAMPER**



**Таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантириш.**

| <b>SCAMPER саволлари</b> | <b>SCAMPER саволлари (янги ғояни ишлаб чиқиш)</b>                 | <b>Таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантириш</b> |
|--------------------------|---|--|
| <b>S</b>                 | Нима билан алмаштириш мумкин?                                     |  |
| <b>C</b>                 | Нима билан бирлаштириш мумкин?                                    |  |
| <b>A</b>                 | Нимага мослаштириш керак?   |  |
| <b>M</b>                 | Қандай яхшилаш мумкин?  |  |
| <b>P</b>                 | Нималарни ўзгартириш мумкин? (шакл, тур, белги, ранг ва бошқалар) |  |
| <b>E</b>                 | Яна қандай ҳолда қўллаш мумкин                                    |  |
| <b>R</b>                 | Нимани қайта тиклаш мумкин?                                       |  |

**"Лойиҳа" методи:**

Лойиҳа- тингловчиларнинг муайян муаммони ечишга йўналтирилган, мустақил тадқиқот олиб боришни кўзда тутувчи методдир.



**“ВЕЕР” технологияси:**

Бу технология мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган.

Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади.

Бу интерактив технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади.

“ВЕЕР” технологияси умумий мавзунини айрим тармоқларини муҳокама қилувчи кичик гуруҳларнинг ҳар бир қатнашувчининг, гуруҳнинг фаол ишлашига қаратилган.

“ВЕЕР” технологияси мавзунини ўрганишнинг турли босқичларида қўлланилиши мумкин:

-бошида: ўз билимларини эркин фаоллаштириш;

-мавзунини ўрганиш жараёнида; унинг асосийларини англаб етиш:

-яқунлаш босқичида; олинган билимларни тартибга солиш.

Асосий тушунчалар қуйидагилар:

Аспект (нуқтаи назар) билан предмет, ҳодиса, тушунча текширилади.

Афзаллик - бирор нарса билан қиёслангандаги устунлик, имтиёз.

Фазилат-ижобий сифат.

Нуқсон-номукамаллик, қоидаларга, мезонларга номувофиқлик.

Хулоса-муайян бир фикрга, мантиқий, қоидалар бўйича далилдан натажага келиш.

**ФСМУ технологияси.**

(Ф) - фикрингизни баён этинг.

(С) - сабабини кўрсатинг.

(М) - мисол (далил) келтиринг.

(У) - умумлаштиринг.

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда ёки ўқув-семинар якунида (тингловчиларнинг ўқув семинари ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида) ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин, чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда

тингловчиларнинг, ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга, қай даражада эгалаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятини ўргатади.

Ушбу технологиянинг асосий мақсади тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

### **1-босқич.**

-ўқитувчи тингловчилар билан бирга баҳс мавзусини ёки муҳокама этилиши керак бўлган муаммони, ёки ўрганилган бўлимни белгилаб олади;

-ўқитувчи ўқув машғулотида аввал ҳар бир тингловчи якка тартибда ишлаши, кейин эса кичик гуруҳларда иш олиб борилиши ва ниҳоят дарс охирида жамоа бўлиб ишланиши ҳақида тингловчиларга маълумот беради:

-машғулот давомида ҳар бир талаба ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин эканлиги эслатиб ўтилади.

### **2- босқич.**

Ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг 4 босқичи ёзилган қоғозлар тарқатилади:

Ф- фикрингизни баён этинг.

С - фикрингизни баён этишга сабаб кўрсатинг.

М - кўрсатилган сабабингизни исботлаб мисол (далил) келтиринг.

У - фикрингизни умумлаштиринг.

Ҳар бир тингловчи якка тартибда тарқатилган қозондаги ФСМУ нинг 4 босқичини ўз фикрларини ёзма баён этган ҳолда тўлатади.

### **3 - босқич.**

-Ҳар бир тингловчи ўз қоғозларини тўлатиб бўлгач, ўқитувчи уларни кичик гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилади ёки ўзи турли гуруҳларга бўлиш усулларидадан фойдаланган ҳолда тингловчиларни кичик гуруҳларга бўлиб юборади:

-ўқитувчи ҳар бир гуруҳда ФСМУ технологиясининг 4 босқич ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади:

-ўқитувчи кичик гуруҳларга ҳар бирлари ёзган қоғозлардан фикр ва далилларни катта форматдаги умумлаштирган ҳолда 4 босқич бўйича ёзишларини таклиф этади.

### **4 - босқич.**

-Кичик гуруҳларда аввал ҳар бир тингловчи ўзи ёзган ҳар бир босқичдаги фикрлари билан гуруҳ аъзоларини таништириб ўтади. Гуруҳ аъзоларининг барча фикрлари ўрганилгач, кичик гуруҳ аъзолари уларни

умумлаштиришга киришади:

-гуруҳ аъзолари ФСМУнинг 4 босқичини ҳар бири бўйича умумлаштириб, уни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрадилар:

-фикрларни умумлаштириш вақтида ҳар бир тингловчи ўз фикрларини ҳимоя этиши, исботлаши мумкин.

#### **5- босқич.**

-Кичик гуруҳларда умумлаштирилган фикрларини ҳимоя қиладилар:

Гуруҳ вакили ҳар бир босқични алоҳида ўқийди иложи борича изоҳ бермаган ҳолда. Баъзи бўлимларни исботлаш яъни гуруҳнинг айнан нима учун шу фикрга келганини айтиб ўтиши мумкин.

#### **6 - босқич.**

-ўқитувчи машғулотга яқун ясайди, билдирилган фикрларга ўз муносабатини билдиради;

-қуйидаги саволлар билан тингловчиларга мувожабат қилади:

-ушбу технологиядан нималарни билиб олдингиз ва нималарга ўргандингиз?

-ушбу технологияни ўқув жараёнида қўлланилиши қандай самара берди?

-ушбу технологияни қўлланилиши тингловчиларда қандай ҳислатларни тарбиялайди, нималарни шакллантиради, уларнинг қандай фазилатларини ривожлантиради?

-ушбу технологиянинг ўқув жараёнининг қайси босқичида қўлланилгани маъқул ва нима учун?

-ушбу технологияни дарс жараёнида қўлланилиши тингловчиларга нима беради ва нимага ўргатади?

-ушбу технологияни яна қандай тартибда ёки қандай шаклда ўтказиш мумкин?

-ушбу тренингда асосий вазифа нимадан иборат ва ҳоказолар.



# III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1 – МАВЗУ: ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТИ ТАРКИБИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ

##### РЕЖА:

1. Таълим муассасалари молиявий таъминотининг таълим сифатини оширишдаги ўрни.
2. Таълим муассасасининг молиявий таъминотининг қонунчилик аослари.
3. Таълим муассасалари молиявий таъминоти манбаалари ва уларни бошқаришнинг амалдаги тизими.
4. Таълим муассасалари молиявий таъминотини бошқаришнинг хориж тажрибалари.

##### **1. Таълим муассасалари молиявий таъминотининг таълим сифатини оширишдаги ўрни.**

Олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

➤ олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, худудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари, шунингдек инвестицияларни жалб қилган ҳолда нуфузли хорижий олий таълим муассасалари филиаллари фаолиятини ташкил этиш орқали олий таълимда рақобат муҳитини яратиш;

➤ халқаро стандартлар ва миллий анъаналар уйғунлигида юқори малакали, замонавий билим ва кўникмаларга эга, мустақил фикрлайдиган, ватанпарвар, профессионал кадрларни тайёрловчи, етакчи таълим ва илм-фан маркази — Президент университетини ташкил этиш;

➤ олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини Инвестиция дастурлари, худудий ва тармоқ дастурлари, васийлик кенгашлари талаблари, жаҳон миқёсидаги технологик ўзгаришларни инобатга олган ҳолда шакллантириш, таълим йўналишлари ва мутахассисликларини оптималлаштириш, бунда STEAM йўналишларини (аниқ фанлар, технология, инжиниринг, ижодий санъат ва математика) ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

➤ олий таълим муассасаларининг қуввати, илмий салоҳияти ва бошқа асосий кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда тўлов-контракт асосидаги

кабул параметрларини олий таълим муассасаси томонидан мустақил белгилаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш;

➤ давлат гранти асосида кадрлар тайёрлаш параметрларини босқичма-босқич олий таълим муассасалари ўртасида танлов ўтказиш йўли билан тақсимлаш механизмларини жорий этиш;

➤ хотин-қизларнинг олий таълим олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш, таълим олишда гендер тенглиги тамойиллари устуворлигини таъминлаш, маҳаллалар, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида мунтазам равишда хотин-қизларни олий таълимга кенг жалб қилишга йўналтирилган кенг тарғибот ишларини олиб бориш;

➤ таълимнинг узлуксизлигига эришиш мақсадида умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим дастурларининг уйғунлиги ва изчиллигини таъминлаш;

➤ олий таълим муассасаларининг ўқув режаларини кредит-модуль тизимига ўтказиш механизмларини ишлаб чиқиш ва уларни босқичма-босқич мазкур тизимга ўтказиш;

➤ индивидуал таълим траекторияларига асосланган, талабаларда креатив фикрлаш, амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқув режалар ишлаб чиқиш орқали талабалар қизиқишлари ҳамда кадрлар буюртмачилари эҳтиёжларига мувофиқ таълим дастурларини шакллантириш, уларни тасдиқлаш бўйича олий таълим муассасаларига босқичма-босқич академик мустақиллик бериш;

➤ мустақил таълим соатлари улушини ошириш, талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, бу борада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш;

➤ талабалар билимини баҳолаш тизими технологияларини такомиллаштириб бориш ва холисоналигини таъминлаш, жумладан баҳолашнинг талабалар билан бевосита алоқасиз шаклларини ривожлантириб бориш;

➤ фанларни ўзлаштиришда талабалар орасида соғлом рақобатни ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш;

- ўқув режаларида фанлар сонини номутахассислик фанлари ҳисобига босқичма-босқич камайитириш ҳамда туташликдаги фанларни танлов фанлари рўйхатига киритиш;
- гуманитар ва педагогик йўналишларда кадрлар тайёрлаш сифатига эътиборни кучайтириш, педагогик таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режа ва дастурларини илғор хорижий тажриба асосида қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш, мазкур йўналишда таҳсил олаётган талабаларда таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларини шакллантириш, педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш, ҳудудлардаги барча умумтаълим мактабларига хорижий тилларни ўзлаштирган, юқори малакали профессионал педагог кадрларни етказиб бериш;
- илғор хорижий тажрибалар асосида олий таълим муассасаларига юқори малакали педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириб бориш;
- олий таълим муассасаларида ўқув-услубий фаолият учун масъул бўлган мутахассислар малакасини мунтазам ошириб бориш;
- таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича хорижий тилларда ўқитиладиган мутахассислик фанлари салмоғини ошириб бориш;
- магистратура талабаларининг юқори савияда илмий изланишлар олиб бориш, педагогик фаолият юритиш, бошқарув, танқидий фикрлаш ва тизимли таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши учун мазкур таълим босқичи ўқув режа ва дастурларини мунтазам такомиллаштириб бориш;
- ўқув адабиётлари сифатини яхшилаш, замонавий ўқув адабиётларини яратиш тартибини соддалаштириш, энг янги хорижий адабиётларни харид қилиш ва таржима қилиш ишларини жадаллаштириш, хорижий адабиётлардан кўшимча ёки муқобил ўқув адабиётлари сифатида фойдаланишни кенгайтириш, кутубхоналар фондларини мунтазам равишда янгилаб бориш;
- танлов асосида аниқланган ва ўқув адабиётларига муаллифлик қилаётган профессор-ўқитувчиларнинг йиллик ўқув юкламасини тақсимлаш механизмини такомиллаштириш, бунда уларнинг умумий йиллик юкламаларида ўқув адабиётларини яратиш учун ажратилган вақтни дарс ўтиш юкламаси вақти ҳисобидан оширишни назарда тутиш;
- имконияти чекланган талабаларга кўрсатиладиган таълим хизматлари турларини кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, таълимда инклюзив жараёнларни ривожлантириш, адаптив технологияларни жорий этиш;

➤ барча олий таълим муассасаларида дарс машғулоти бўйича талабалар фикрини ўрганиш (feedback) ҳамда ўзаро ташриф (peer review) тизимини ривожлантириш асосида талабаларга таълим хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаб бориш;

➤ фан соҳалари бўйича профессор-ўқитувчиларнинг касбий мулоқот майдончаларини яратиш, таълим сифатини таъминлаш жараёнига талабаларни кенг жалб этиш ҳамда «тьюторлик» ташкилий-методик ёрдам тизимини жорий этиш орқали талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолиятини ривожлантириш;

➤ хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, талаба-ёшларнинг академик фаолияти, муаммолари ва турмуш тарзи, ўқув жараёни ҳамда яратилган шароитлар бўйича талабалар фикр-мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида улар ўртасида ҳар йили республика миқёсида миллий сўров ўтказиш;

➤ олий таълим муассасалари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқув-педагогик ва илмий фаолият юритиш учун хорижлик юқори малакали профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар, таълим ва илм-фан соҳасида фаолият юритиб, салмоқли ютуқларга эришган, юрт ривожига ҳисса қўшиш истагида бўлган хориждаги ватандошларни жалб этиш, бу борада уларга академик ва инфратузилмага оид қулайликлар яратиб бериш;

➤ юқори малакали профессор-ўқитувчилар, олимларни таълим жараёнига жалб қилишнинг самарали механизмларини яратиш, муайян кўрсаткичлар асосида уларнинг фаолиятини баҳолаш тизимини ривожлантириш;

➤ олий таълим муассасаларида миллий ҳамда халқаро баҳолаш тизимлари сертификатларига эга бўлган, хорижий тилларни мукамал ўзлаштирган профессор-ўқитувчилар ва талабалар улушини тизимли равишда ошириб бориш;

➤ «Эл-юрт умиди» жамғармаси кўмагида профессор-ўқитувчиларни хорижий мамлакатларда малака ошириш, стажировка ўташ, магистратура ва докторантурада ўқитиш орқали уларнинг касбий маҳоратини ошириб бориш;

➤ кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлган амалиётчи мутахассисларни таълим жараёнига кенг жалб қилиш, профессор-ўқитувчиларнинг тегишли соҳа корхона ва ташкилотларида стажировка ўташини тизимли ташкил этиш;

➤ ижтимоий соҳа ва иқтисодиётнинг барча тармоқлари мутахассислари учун узлуксиз малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимларини жорий этишнинг меъёрий-ҳуқуқий ва ўқув-методик асосларини такомиллаштириб бориш, бу борада масофавий таълим имкониятларидан кенг фойдаланиш;

- олий таълим муассасаларида талабаларнинг ишдан ажралмаган ҳолда ўқишини таъминлаш мақсадида сиртқи ва кечки таълим шаклларида кадрлар тайёрлашни ривожлантириш, бунда рақамли технологияларга асосланган замонавий таълим технологияларини жорий этиш;
- иқтисодиётнинг замонавий талабларига мувофиқликни таъминлаш мақсадида давлат таълим стандартларини такомиллаштириб бориш;
- талабаларнинг ишлаб чиқариш, малакавий ва бошқа турдаги амалиётларини мазмунли ташкил этиш учун услубий базани ишлаб чиқиш ва ривожлантириб бориш;
- республика олий таълим муассасалариаро ички академик мобиллик дастурларини, ўзаро тажриба алмашиш механизмларини амалиётга татбиқ этиш;
- хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик доирасида профессор-ўқитувчилар ва докторантлар академик мобиллиги дастурларини ривожлантириш;
- олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишда ички назорат ва ҳисобдорлик механизмларини такомиллаштириш;
- олий таълим муассасаларига қабул жараёнларида битирувчиларнинг аттестатидаги ўртача баҳони инобатга олган ҳолда, таълим йўналишларига мос бўлган фанлардан миллий ва халқаро баҳолаш тизимлари сертификатларига эга бўлган абитуриентларни олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тажрибасини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш;
- миллий баҳолаш тизими сертификатлари тақдим этиладиган фанлар рўйхатини кенгайтириш, бундай хизматлар кўрсатадиган давлат ва нодавлат муассасалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш;
- олий таълим муассасалари фан олимпиадаларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш, шаффофликни таъминлаш, баҳолаш механизмларини халқаро олимпиада ва танловлар мезонларига мослаштириш.

## **2. Таълим муассасасининг молиявий таъминотининг қонунчилик аослари.**

Олий таълим муассасалари молиявий таъминотини мустаҳкамлаш муаммоларини муваффақиятли ҳал этишда энг аввало ҳисобга олиниши лозим бўлган ҳолатлардан бири сифатида олий таълим муассасалари молиявий таъминотини мустаҳкамлашнинг ҳукуқий асосларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки ҳозирги шароитда масаланинг ана шу жиҳатига, яъни олий таълим муассасалари молиявий таъминотини мустаҳкамлашнинг ҳукуқий асосларини чуқур

ўрганмасдан туриб, муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш мураккаблигича қолаверади.

Шу муносабат билан мамлакатимиз олий таълим муассасалари молиявий таъминотини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асослари, энг аввало, аниқ кўринишда Ўзбекистон Республикасининг “Конституцияси”да, “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги қонунларида ўз аксини топганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Ҳақиқатдан ҳам ушбу қонунларни синчиклаб ўрганар эканмиз мамлакатимизда олий таълим муассасалари молиявий таъминотини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асослари ана шу ҳуқуқий ҳужжатларда ифода этилганлигини аниқлашимиз мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунини таҳлил қилар эканмиз, унинг моддалари кетма-кетлигига қатъий риоя этган ҳолда олий таълим муассасалари молиявий таъминотини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асоси сифатида эътироф этилиши лозим бўлган қуйидаги ҳолатларни қайд этиб ўтишимиз мумкин:

Биринчидан, ушбу қонуннинг “Билим олиш ҳуқуқи” деб номланган 4-моддасида, жумладан, “Билим олиш ҳуқуқи: ...таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурлари асосида бепул ўқитиш, шунингдек таълим муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб-хунар ўргатиш ... орқали таъминланади”,- дейилган. Кўришиб турибдики, қонуннинг бу моддасида мамлакатимизда олий таълим муассасалари молиявий таъминотини амалга ошириш шакллари мужассамлашган бўлиб, улар ўзининг хилма-хил бўлиши мумкинлигини кўрсатапти. Қонуннинг ушбу моддасига мувофиқ ҳозирги кунда олий таълим муассасаларига давлат бюджетидан ўқитишнинг таълим гранти шаклида маблағ ажратилади ва белгиланган тартибда ўқитишнинг тўлов контракт шаклидан маблағлар тушими амалга оширилади. Бу ерда ушбу ҳолатнинг мавжудлиги олий таълим муассасалари молиявий таъминотини мустаҳкамлаш масалаларида бир қанча муаммоларни келтириб чиқарадики, амалиётда уларни муваффақиятли ёки оқилона ҳал этмасдан туриб тегишли вазифани бажаришнинг иложи бўлмаслиги доим диққат марказда турмоғи лозим.

Иккинчидан, ушбу қонуннинг “Таълим муассасасининг ҳуқуқий мақоми” деб номланган 6-моддасида “...Таълим муассасалари уставда белгиланган вазифаларига мувофиқ пулли таълим хизматлари кўрсатиш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақли” эканлиги ўз аксини топган. Фикримизча, қонуннинг бу моддасида олий таълим муассасалари молиявий таъминотини мустаҳкамлашнинг кенг

захиралари мавжуд эканлигига ҳуқуқий мақом берилган. Қонуннинг ушбу моддаси ижросини таъминлаш бўйича ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида пуллик таълим хизматлари ташкил этилмоқда, хўжалик шартномаларига асосан илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан, масалага олий таълим муассасалари молиявий таъминотини мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, у ҳолда қонун ушбу модда талабларининг амалиётда қандай бажарилаётганлиги ёки бажарилмаётганлигини ҳисобга олиб, тегишли масала аҳволининг қандайлигига ва унинг сабаблари нималардан иборат эканлигига баҳо беришимиз мумкин. Ушбу қонуннинг таълим муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари акс эттирилган 21-моддасида “...Таълим муассасалари иш ҳақиға мўлжалланган мавжуд маблағлар доирасида мустақил равишда ставкалар, мансаб окладларига табақалаштирилган устама белгилашга ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантиришнинг турли шакллари кўллашга ҳақли”,- деб кўрсатилган бўлиб, олий таълим муассасалари молиявий таъминотини мустаҳкамлашнинг жуда катта захиралари ана шу моддада акс эттирилган. Яъни таълим муассасалари амалдаги қонунчилик талабларига асосан ходимларни рағбатлантиришни турли шакллари кўлламоқда. Масалан ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига устамалар, рағбатлантириш тўловлари амалга оширилмоқда.

Учинчидан, “Давлат таълим муассасаларини молиялаш республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади”,- дейилган тартиб “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг “Таълимни молиялаш”, - деб номланган 31-моддасида ифодаланган.

Тўртинчидан, ушбу қонуннинг “Таълимни ривожлантириш фондлари” дейилган 32-моддасида “Таълимни ривожлантириш фондлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларнинг шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ташкил этилиши мумкин”лиги эътироф этилган. Қонуннинг бу моддасида ҳам олий таълим муассасалари молиявий таъминотини мустаҳкамлашнинг замонавий ва бозор иқтисодиётининг талабларига жавоб берадиган захиралари ўз ифодасини топган бўлиб, у ўзига хос бўлган хусусиятга эга. Унга кўра олий таълим муассасасининг молиявий таъминотини мустаҳкамлашнинг бу имкониятлари ва захираларидан фойдаланиш бевосита шу олий таълим муассасасининг ўз хатти-ҳаракатига, юридик ва жисмоний, шунингдек, хорижий юридик ва жисмоний шахслар



билан бўлган ўзаро алоқалари, обрў-эътибори ва уларнинг натижалилик даражасига боғлиқ.

### **3. Таълим муассасалари молиявий таъминоти манбаалари ва уларни бошқаришнинг амалдаги тизими.**

ОТМни бюджет маблағлари ҳисобидан молиявий таъминлаш ва унинг ўзига хос жиҳатлари бу маблағларнинг конкрет (аниқ) таркибий қисмлари бўйича таҳлил қилинганда янада яққолроқ намоён бўлади. Шу муносабат билан қайд этиш лозимки, ҳозирги бизнинг амалиётимизда бюджет маблағлари ҳисобидан ОТМнинг молиявий таъминотини амалга ошириш куйидаги аниқ йўналишларга мувофиқ содир этилмоқда:

- а) иш ҳақи;
- б) иш ҳақиға ажратмалар;
- в) стипендиялар;
- г) бошқа харажатлар.

Ана шу кесимда ОТМни молиявий жиҳатдан таъминлашда бюджет маблағларидан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиб чиқиш бу жараёнда унинг родини кўрсатиш ва хусусиятларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида бозор муносабатларининг кириб келиши ва уларнинг ривожланиши ижтимоий соҳани, шу жумладан, ОТМни молиялаштиришда анъанавий тарзда қўлланилиб келинган манбаларнинг кенгайтирилишини тақозо этди. Шу муносабат билан ОТМни молиялаштиришда бюджет маблағлари билан бир қаторда бюджетдан ташқари маблағлар ҳам муҳим роль ўйнай бошлади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки аслида бозор иқтисодиёти ва унинг туб принципларидан келиб чиқиладиган бўлса, ОТМни молиялаштиришда бюджет маблағларидан фойдаланишдан кўра бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланиш унинг талабларига кўпроқ жавоб беради ёки мос келади. Бунинг устига, ОТМни молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланиш шу ОТМнинг ўз фаолияти натижалари билан боғлиқ бўлган ҳолатни ўзига кўпроқ мужассам қилади.

Ҳозирги шароитда мамлакатимизда ОТМ фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлашда бюджетдан ташқари маблағлар қанчалик муҳим аҳамият касб этаётган бўлишига қарамасдан, улар таркибининг хилма-хил эканлиги ва бу жараёнда улар ролининг турлича бўлиши мумкинлиги ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Шу муносабат билан, дастлаб ОТМ фаолиятини молиявий жиҳатдан

таъминлашда иштирок этаётган бюджетдан ташқари маблағлар таркибининг хилма-хил эканлиги ва улар, асосан, қуйидаги икки гуруҳга бўлинишини кўрсатиб ўтишимиз керак:

1. Тўлов-контракт маблағлари;
2. Тадбиркорлик асосида ишлаб топилган маблағлар.

Ўз навбатида, тадбиркорлик асосида ишлаб топилган маблағлар ҳам икки гуруҳга бўлинади:

1. Хўжалик шартномалари асосида келиб тушган маблағлар;
2. Қўшимча таълим хизматлари кўрсатишдан олинган маблағлар.

ОТМ фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлашда иштирок этадиган бюджетдан ташқари маблағларнинг таркибида асосий ўринни тўлов-контракт маблағлари эгаллаб, уларнинг салмоғи муттасил равишда ошиб бориш тенденциясига эга.

ОТМнинг молиявий таъминотида бюджет маблағларининг салмоғи пасайиб бориш тенденциясига эга бўлиб бораётган бўлишига қарамасдан, охириги йилларда унинг даражаси 33-35% атрофида эканлигини қайд этишимиз мумкин. Бу ҳозирги шароитда мамлакатимизда ОТМни молиявий жиҳатдан таъминлашнинг 1/3 қисми бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилаяпти, демакдир.

Кейинги йилларда ОТМ фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлашда бюджетдан ташқари маблағлар ролининг кучайиб бораётганлиги шароитида тадбиркорлик асосида ишлаб топилган маблағлар таркибида қўшимча таълим хизматлари кўрсатишдан олинган маблағларга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Бундай шароитда маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ОТМ молиявий таъминотини мустаҳкамлашнинг асосий йўналишларидан бири сифатида эътироф этилиши, табиийдир.

ОТМда бюджет маблағларидан самарали фойдаланмасликнинг асосий сабабларига бугунги кунда кўп учраётган жараёнлар сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

1. Масъул ва мансабдор шахслар томонидан ОТМда пул маблағлари ва моддий бойликлар камомати ҳамда ўзлаштиришларга йўл қўйилаётганлиги ва уларнинг такрорий характерга эга эканлиги;

2. Харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузишда амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига тўлиқ риоя этилмаганлиги;

3. Масъул ходимлар томонидан амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилмаганлиги оқибатида бюджет маблағларининг ноқонуний ва қўзда тутилмаган мақсадларга сарфланишига йўл

қўйилаётганлиги;

4. ОТМда Адлия вазирлигида 2004 йил 16 апрельда 1339-сон билан рўйхатга олинган “Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома талабларига тўлиқ риоя этилмаганлиги сабабли ортиқча ва ноқонуний тўловларга йўл қўйилаётганлиги;

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрельдаги 154-сонли “Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларда хизмат енгил автотранспортдан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги қарори талабларининг тўлиқ бажарилиши таъминланмаганлиги;

6. ОТМнинг масъул ходимлари томонидан ижара тўловларини белгиланган тартибда ундирилиши юзасидан назорат талаб даражасида олиб борилмаганлиги сабабли хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлиги;

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1995 йил 12 майдаги ПФ-1154-сонли Фармони талабларига етарли даражада риоя этилмаётганлиги;

8. Бухгалтерия ҳисобини юритишда Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни талабларига тўлиқ риоя этилмаётганлиги ва ҳ.к.

ОТМда бюджет маблағларидан бундай йўналишларда самарасиз фойдаланилаётганларининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

а) ОТМнинг масъул ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонуни моҳиятини етарли даражада тушуниб етмаётганлиги;

б) ОТМ раҳбарлари томонидан бюджет маблағларини сарфлаш устидан назоратни талаб даражасида олиб борилмаётганлиги;

в) бюджет маблағлари харажатини режалаштиришда масъул ходимлар томонидан тегишли меъёрий ҳужжатлар талабларига тўлиқ амал қилинмаслиги;

г) бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича масъул ходимлар иштирокида доимий равишда амалий семинар ва йиғилишларнинг ўтказиб турилмаслиги ва бошқалар.

Шу муносабат билан, ОТМ молиявий таъминотини мустаҳкамлаш мақсадида бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- ОТМда ҳар чорак якуни бўйича топшириладиган ҳисоботларда вакант штатларига режалаштирилган маблағларни инобатга олинишига алоҳида эътибор қаратиш;

- ОТМ масъул ходимларининг билими ва масъулиятини ошириш мақсадида молия органлари ва Назорат-тафтиш бошқармалари ходимлари иштирокида семинарлар ташкил этиб, уларда текширишлар натижасида аниқланган хато ва камчиликларни муҳокама этишга кўпроқ эътибор бериш;

- жавобгар шахслар билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартномаларнинг белгиланган тартибда тузилишини ҳамда товар-моддий бойликлар ва нақд пулларни белгиланган муддатларда мунтазам равишда санокдан ўтказилиб борилишини йўлга қўйиш;

- ОТМнинг иқтисодчи ходимлари ўртасида аниқ вазифалар ва жавобгарлик белгиланган иш тақсимотини ишлаб чиқиш ҳамда юклатилган вазифаларни ҳар бир масъул ходим томонидан бажарилишини қатъий назоратга олиш;

- ОТМда моддий жавобгар (кассир, омбор мудир, хўжалик ишлари мудир, таъминотчи ва б.) ва ҳисобчи (иш ҳақи ва моддий бойликлар ҳисобини юритувчи) ходимларни маълум муддатларда алмаштириб туриш ёки ротация қилиш.

Шу билан бир қаторда ОТМда бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг энг асосий йўллари билан бири сифатида шу муассасада бюджет маблағларининг сарфланишига бевосита ва билвосита дахлдор бўлган шахсларнинг жавобгарлиги ва масъулиятини кескин ошириш эътироф этилмоқда.

Албатта, юқоридаги ишларнинг систематик тарзда удаланиши ОТМни молиялаштиришда бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши мумкин.

ОТМда фақат сарфланаётган бюджет маблағларининг юқори самарадорлигига эришиш эмас, балки бюджетдан ташқари маблағлардан ҳам самарали фойдаланиш масалаларига жиддий эътибор бермоқ лозим. Чунки улар фаолиятининг асосий қисми ана шу маблағлар ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

Ҳақиқатдан ҳам бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштиришни кучайтириш ҳозирги пайтда ОТМ молиявий таъминотини мустаҳкамлашнинг муҳим йўналиши сифатида эътироф этилиши, шак-шубҳасиздир.

ОТМ молиявий таъминотини мустаҳкамлашда “бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштиришни кучайтириш” деганда фақат

бюджетдан ташқари маблағлар ҳажми (суммаси)нинг ҳам абсолют ва ҳам нисбий кўрсаткичларда кўпайиши назарда тутилмаётганлигини қайд этиб ўтиш зарур. Бу жараёндаги “бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштиришни кучайтириш” комплекс тушунча бўлиб, у бу маблағлар суммаси ҳажми (миқдори)нинг ортишидан ташқари яна уларни шакллантириш ва фойдаланишнинг тартиби, шарт-шароитлари, усуллари, методлари ва ҳ.к.ларни ҳам қамраб олади.

ОТМни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштиришни кучайтиришнинг катта заҳиралари бу муассасалар доирасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш (албатта, олий таълим жараёнларининг сифатига салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда) ва шу асосда ишлаб топилган пул маблағларини кўпайтиришдадир.

#### **4. Таълим муассасалари молиявий таъминотини бошқаришнинг хориж тажрибалари.**

Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг мазмуни таълим тараққиётини юкори босқичлар энг илғор хорижий мамлакатлар таълими даражасига кўтариш, жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаб вояга етказишдан иборатдир. Маълумки, таълим тизими деб муайян жамиятда ижтимоий-тарихий жараёнда таркиб топган, маълум тамойиллар асосида бошқариладиган ҳамда бир-бири билан боғланган барча типдаги ўқув-тарбия муассасалари йиғиндисига айтилар экан, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг барча соҳалар қатори таълим тизимини ривожлантириш, унинг сифатини ошириш, бошқариш, бу жараёнда ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш масалаларига катта эътибор қаратила бошланди.

Таълим сифати ва уни бошқариш масалаларига илмий нуқтаи-назардан ёндашиш хорижда XX асрнинг 20-йилларидан бошланган. Мазкур жараёнда таълим сифатини бошқариш самарадорлигини ошириш усуллари излаш ишлари даставвал ижтимоий бошқарувнинг умумий назарияси ютуқлари асосида амалга оширилган. Шунини таъкидлаш лозимки, таълим сифати ва уни бошқариш муаммолари аксарият тадқиқотларда олий таълим тизими ва уни амалга оширувчи таълим муассасалари мисолида таҳлил қилинган. Мазкур тадқиқотларда олий таълимдан кейинги таълим, хусусан малака ошириш таълимининг муаммолари алоҳида қаралмаган ёки олий таълимнинг мантиқий давоми сифатида муштаракликда ўрганилган. Шунинг учун ҳам кўпгина тадқиқотларда малака ошириш таълими ҳам олий таълим

муассасалари амалга оширадиган фаолият тарзида ёритилган.

Таълим сифати муаммоларини муҳокама қилишда унинг баҳоланиши, назорати, мониторингу сифатнинг таъминланиши ва бошқалар ҳақида сўз юритилади. Бу атамаларнинг ишлатилишига аниқлик киритиш учун уларнинг инглиз тилидаги маъноси ва узбек тилида уларга мос келувчи сўзларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

Сифат назорати (quality control) кутилаётган сифатнинг муайян даражасига эришишга йўналтирилган сифатни баҳоланишнинг ташқи процедураларини белгилашда қўлланилади.

Сифат мониторинги (quality monitoring) сифатнинг у ёки бу мезонлари ва индикаторларини бевосита баҳолаш ёки кузатиш процедураларини кўзда тутуди, сифат «даражаси»ни аниқлайди, шунингдек, моддий сарф-харажатларнинг самарадорлигини баҳолаш билан ҳам боғлиқ бўлади.

Олий таълим сифати муаммоларига доир инглиз тилидаги нашрларда қатор босқичлардан (режалаштириш, баҳолаш ва мониторинг, таҳлил ва бошқа босқичлар) иборат ҳам ташқи, ҳам ички баҳоланиш - кенг маънодаги сифатни баҳолаш тизимини англатувчи «quality assessment» атамаси кўпроқ ишлатилади. Тор маънода сифатни баҳолаш процедураларини белгилашда «quality evaluation», «quality audit», «quality judgement» каби атамалар қўлланилади.

Шунингдек, Европада сифатни таъминлаш ёки сифат кафолати тарзида таржима қилиниши мумкин булган «quality assurance» атамаси ҳам ишлатилади. Сифатни таъминлаш тизими баҳолаш билан боғлиқ бўлган босқичлардан ташқари уларни жорий этиш босқичларини такомиллаштиришга доир изланиш ва қарор қабул қилиш босқичларини ҳам қамраб олади. Сифатни таъминлаш тизимининг энг муҳим хусусияти унинг даврийлиги ва такомиллашиб боришга мойиллигидир.

1995 йили ЮНЕСКО томонидан «Олий таълимни ислох қилиш ва ривожлантириш» номли дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унда асрлар алмашинуви даврида олий таълимни ривожлантиришнинг дунё миқёсидаги тенденцияси ва вазифалари баён этилган.

Таълим сифатини баҳолаш муаммоси ҳамма вақт долзарб бўлган, фақат кейинги йилларда бу масала ечимига тизимли мажмуавий тарзда ёндашила бошланди. Чет эл олимлари ва амалиётчилари таълим сифатини тадқиқ қилиш доирасида таълим сифати тушунчасининг ўзини аниқлаштирмоқдалар, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқмоқдалар, юқори сифатни таъминловчи омилларни таснифламоқдалар, таълим сифатини бошқариш ва мониторинги муаммоларини ўрганмоқдалар.

Таълимни баҳолашнинг ўзаро тан олинadиган тизимларини жорий этиш орқали таққослаш имконини берувчи таълим сифатини таъминлаш Европа мамлакатлари ягона таълим маконини шакллантиришнинг муҳим шартларидан биридир. Дунёда мавжуд таълим сифатини баҳолаш тизимларини шартли равишда иккита моделга бўлиш мумкин.

Биринчи модель - олий таълим муассасасининг жамият ва давлат олдидаги масъулиятини аттестация, аккредитация ва назорат қилиш воситасида ташқи баҳолашга асосланган «французча» модели. Бундай модель Скандинавия мамлакатлари, Чехия, Латвия, Эстония ва бошқа мамлакатларда қўлланилади. Ушбу мамлакатларда давлат органлари томонидан баҳолашнинг мақсади шакллантирилади, баҳолашнинг энг муҳим жиҳатлари белгиланади, таълим жараёнини ташкил этишга доир қарорлар қабул қилинади. Таълим муассасаси томонидан ўзини-ўзи баҳолашга юзаки қаралади, чунки асосий эътибор ташқи баҳолашни самарали ўтказишга қаратилади.

## 2 – НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ

### МАВЗУ: ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎЗИНИ-ЎЗИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИК (2 СОАТ)

#### РЕЖА

1. Таълим муассасалари ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтишнинг зарурияти, аҳамияти, йўллари.
2. Таълим муассасасида илмий-инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштириш.
3. Таълим муассасаси инвестицияларни жалб этишнинг асосий йўналишлари.
4. Таълим муассасаларини молиявий мустақиллиги шароитида ўқув, услубий, илмий, маънавий, маърифий ва ташкилий фаолиятини молиявий таъминотини ташкил этиш.

#### **1. Таълим муассасалари ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтишнинг зарурияти, аҳамияти, йўллари.**

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси тўлақонли янгиланиш даврида турибди. Бунда энг асосий бўғин бўлиб таълим муассасалари туради. Таълим муассасалари етакчи хориж давлатлари тажрибасини қўллаган ҳолда ўзини ўзи молиялаштириш тизимига босқичма-босқич ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида”ги қарорида барча долзарбликлари ва аҳамияти кўрсатиб ўтилган ҳамда қонунда қўйидагилар назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон [Фармони](#) ва «Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон [қарори](#) ижросини таъминлаш ҳамда олий таълим муассасаларининг молиявий бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш, уларга бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилишда кўпроқ имкониятлар яратиш, олий таълимдаги ислохотлар самарадорлигини ва таълим сифатини янада ошириш, профессор-ўқитувчилар ва талабаларга



замонавий шарт-шароитлар яратиш мақсадида қуйидагиларни бажариш лозим:

1. Илмий педагогик салоҳияти юқори, молиявий фаолияти барқарор, моддий-техника базаси етарли даражада, таълим хизматлари бозорида бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига талаб юқорилигини инобатга олиб, 2020 йил 1 январдан бошлаб, тажриба-синов тариқасида ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтаётган олий таълим муассасалари рўйхати [иловага мувофиқ тасдиқлаш](#);

2. Қуйидагилар ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтаётган олий таълим муассасаларининг қўшимча вазифалари этиб белгилаш:

- қўшимча таълим хизматларини кўрсатиш, иқтисодиёт тармоқлари мутахассисларининг малакасини ошириш ва бошқа пуллик хизматларни жорий этиш;

- тегишли соҳадаги долзарб муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган илмий изланишларни ташкил этиш, соҳа бўйича илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда соҳанинг илмий муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган фундаментал, амалий ва инновацион изланишларни амалга ошириш;

- республика ва хорижий олий таълим муассасалари ҳамда илмий марказларга истиқболли ёш битирувчиларни магистратура ва докторантурага мунтазам юбориш орқали олий таълим муассасасининг илмий-педагогик салоҳиятини доимий ошириб бориш;

- замонавий педагогик технологиялардан кенг фойдалана оладиган ва илмий изланиш олиб борадиган профессор-ўқитувчиларни танлаш мақсадида олий таълим муассасаси ҳамда профессор-ўқитувчилар ўртасида бир йиллик муддатли шартномалар тузиш амалиётини жорий этиш.

3. Ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтаётган олий таълим муассасалари васийлик кенгашларига қуйидаги ваколатлар берилиши:

олий таълим муассасасининг молия йили учун шакллантириладиган бизнес-режаси (унда муассасанинг асосий фаолияти кўрсаткичлари жумладан, муассасада кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этишнинг мақсадлари, режалаштириладиган натижалари ва таҳлили кўрсатилади) ҳамда даромадлар ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш ва уларнинг ижросини муҳокама қилиш;

олий таълим муассасаси томонидан автотранспорт воситалари, шунингдек, бошқа асосий воситаларни харид қилиш ва уларни ҳисобдан чиқаришга (бино ва иншоотлар бундан мустасно) ҳамда бино, иншоотларни капитал таъмирлаш, реконструкция қилишга рухсат бериш;

олий таълим муассасасининг йиллик ҳамда даврий молиявий ҳисоботларини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш;

олий таълим муассасасини ривожлантириш ва молиявий фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш, шу жумладан мақсадли капитал жамғармасини (эндаумент фонд) шакллантириш;

зарур ҳолларда, олий таълим муассасаси ректорининг асосланган мурожаатига кўра, олий таълим муассасасининг молиявий фаолиятини кўллаб-қувватлаш мақсадида республика тижорат банкларидан кредитлар олиш масалаларини кўриб чиқиш;

олий таълим муассасаси фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб бериш, шу жумладан, янги факультетлар, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини жорий этиш;

бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора билан келишилган ҳолда олий таълим муассасаси ректори ва олий таълим муассасаси кенгаши ваколатини белгилаш, шу жумладан, харажатлар сметасига ҳамда штатлар жадвалига ўзгартиришлар киритиш, асосий воситаларни харид қилиш ва олий таълим муассасаси тасарруфидаги маблағлар, моддий бойликлар ва мулкдан фойдаланиш бўйича ваколатлар доирасини белгилаш;

олий таълим муассасасида самарадорлик мезонларига асосланган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини жорий этиш ва тартибини белгилаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон қарорига мувофиқ ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтаётган олий таълим муассасаларига қуйидаги ҳуқуқлар берилганлиги маълумот учун қабул қилиниши:

а) юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини ошириш мақсадида ходимларга устамалар ва моддий рағбатлантиришнинг бошқа турлари миқдорларини мустақил белгилаш;

б) иқтидорли, шунингдек аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларидан бўлган талабаларни моддий рағбатлантириш ва кўллаб-қувватлаш;

в) сақлаш харажатлари, вазифа ва мажбуриятларни бажариш, ўқитишнинг инновацион шакл ва услубларини жорий этиш ҳамда ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, дастурий таъминотлар, замонавий ахборот-коммуникация воситалари, ўқув ва илмий лабораториялар ҳамда сарфланадиган лаборатория материалларини (реактивлар, кимёвий идиш, бутловчи, биологик материаллар ва бошқа объектлар), шу жумладан

китоблар, журналлар, ўқув адабиётлари харид қилиш ва чоп этириш учун маблағларни мустақил сарфлаш;

г) олий таълим муассасаси инфратузилмасига сервис хизматлари кўрсатишнинг алоҳида турлари, жумладан бино ва иншоотлар, талабалар турар жойлари, спорт объектларидан фойдаланиш, уларни тозалаш, таъмирлаш, компьютер техникаси ва телекоммуникация тармоқларини сақлаш ва юридик хизматлар кўрсатишни аутсорсинг шартларида ташкил этиш;

д) бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора билан келишилган ҳолда:

олий таълим муассасасининг илмий-педагогик салоҳияти, унинг моддий-техник базаси имкониятларини инобатга олиб, талабаларни тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш параметрларини белгилаш, янги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини очиш;

олий таълим муассасасини ўзини ўзи тўлиқ молиявий таъминлаш миқдоридан келиб чиқиб, тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилаш.

Бунда, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб, тўлов-контракт асосида қабул қилинган талабалар учун тўлов-контракт қиймати миқдорлари бир талабани бир йиллик ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб белгиланади.

ўзини ўзи молиялаштириш тизимида ўтказилган олий таълим муассасаларида давлат буюртмаси асосида таълим олаётган талабаларни ўқитиш билан боғлиқ харажатлар учун бюджет маблағларини ажратиш бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги), тури, босқичи ва шаклидан келиб чиқиб давлат гранти асосидаги ўрин учун сарфланадиган харажатларнинг норматив миқдорларига мувофиқ амалга оширилади. Бунда, бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг йиллик чекланган суммаси давлат гранти асосида таълим олаётган контингент сони ва ҳар бир давлат гранти асосидаги ўрин учун сарфланадиган харажатларнинг норматив миқдорлари асосида ҳисобланади;

ўзини ўзи молиялаштириш тизимида ўтказилган олий таълим муассасаларида давлат буюртмаси асосида таълим олаётган талабалар учун бюджет маблағлари бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора ҳамда олий таълим муассасаси ўртасида имзоланадиган давлат буюртмасини бажаришни молиялаштириш битими асосида харажатлар сметасида бюджет тизими бюджетлари иқтисодий харажатлар таснифининг бир сатрида режалаштирилган ҳолда ажратилади (мақсадли маблағлар, шу жумладан

стипендия тўловлари, олий ўқув юртидан кейинги таълим харажатлари, капитал қўйилмалар харажатлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида ажратиладиган маблағлар бундан мустасно);

ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилган олий таълим муассасаларида давлат буюртмаси асосида таълим олаётган талабалар учун ажратилган бюджет маблағлари (мақсадли маблағлар бундан мустасно) олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилади ва ҳисобот даври охирида маблағларнинг қолдиғи олий таълим муассасаси ҳисобида қолдирилади;

ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилган олий таълим муассасаларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, жумладан ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва стипендия тўловларини ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш учун жавобгарлик мазкур муассасалар ректор (директор)лари зиммасига юкланади.

## **2. Таълим муассасасида илмий-инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштириш.**

Ўзбекистон республикаси олий таълим муассасаларини ўзини ўзи молиялаштиришда асосий молиялаштириш манбаи бўлиб илмий-инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштириш бўлиб ҳисобланади. Ушбу жараённинг ҳуқуқий асоси бўлиб ўзбекистон республикаси президентининг *“Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”* ги қарор туради. Ушбу қарорда қуйидагилар келтирилиб ўтилган:

Мамлакатимизда илмий ва илмий-техникавий фаолиятни амалга ошириш, илмий-техникавий ва инновацион ривожланишни таъминлаш учун қулай шарт-шароитларни яратишда мавжуд молиявий ва моддий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, 2014 — 2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмаларни молиялаштириш учун қарийб 800 миллиард сўм ажратилиб, уларнинг натижаларига кўра илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан 700 дан ортиқ ихтиро патентлаштирилди.

Шу билан бирга, иқтисодиётнинг жадал ривожланиши мамлакат илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий ва илмий-техникавий

фаолияти натижаларини тижоратлаштиришда мавжуд салоҳиятдан янада тўлиқ фойдаланиш заруратини тақозо этмокда.

Бироқ, илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларидан амалда фойдаланишнинг таҳлили уларни яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва жорий этиш жараёнида тизимли муаммолар мавжудлигидан далолат бермокда, хусусан:

биринчидан, охириги 5 йил ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган ва патентланган ихтиролар сонининг йилига 0,5 фоизини ташкил этувчи тижоратлаштириш даражаси етарли эмас;

иккинчидан, чоп этилган илмий мақолалар ва яратилган интеллектуал мулк объектлари сони илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари бўлиб қолмокда, бунда уларни жорий этиш натижалари ҳисобга олинмаяпти;

учинчидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари уларнинг тасарруфидаги илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий ва илмий-техникавий фаолияти натижалари учун, шунингдек, илмий-техникавий дастурларга давлат маблағлари сарфланишининг самарадорлиги учун лозим даражада масъулиятни намоён этмаяпти;

тўртинчидан, илмий тадқиқотларни молиялаштиришнинг, шу жумладан, илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмалар рўёбга чиқарилишида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари иштирокини рағбатлантиришнинг самарали воситалари жорий этилмаган;

бешинчидан, амалдаги стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизими илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини ишлаб чиқаришга тезкорлик билан жорий этишни таъминламаяпти.

Маҳаллий илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмаларни жадал жорий этишни таъминлаш, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини кучайтиришда илм-фан ҳиссасини ошириш, шунингдек, илмий ва илмий-техникавий фаолиятнинг истиқболли маҳаллий ютуқларини илгари суришнинг самарали механизмларини яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг (кейинги ўринларда муассасалар деб юритилади) илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш соҳасидаги асосий вазибалари этиб ҳисоблансин:

республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини жадал ва кенг жорий этиш;

фанлараро алоқаларни, шу жумладан, халқаро фанлараро алоқаларни шакллантириш жараёнларини рағбатлантириш, қўшма дастурлар ишлаб чиқиш ва жамоаларни яратиш;

илмий ва илмий-техникавий фаолиятни иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг аниқ вазифаларини ҳал этишга, шунингдек, ички ва ташқи бозорлар эҳтиёжларини қондиришга қаратилган амалий натижаларни олишга йўналтириш;

юқори технологияли ишлаб чиқаришларни яратишга хизмат қиладиган юқори технологияларни ишлаб чиқиш соҳасида инновацион тадқиқотларни олиб бориш;

тадқиқотларни мамлакатни изчил ривожлантириш бўйича замон талабларига жавоб берадиган, тижоратлаштириш даражаси юқори бўлган маҳсулотлар ва технологияларни жадал ишлаб чиқишга йўналтириш.

2. Қуйидагилар илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштиришнинг асосий усуллари этиб белгилансин:

илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларидан фойдаланган ҳолда яратилган товарларни (бажарилган ишларни, кўрсатилган хизматларни) реализация қилиш ёки ушбу натижалардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

тижорат ташкилотларини ташкил этиш, бунда уларнинг таъсисчиларидан бири устав фондига ҳисса сифатида интеллектуал мулк объекти ёки тайёр технологияни киритган муассаса (ёки ихтисослаштирилган аффилиланган ташкилот) ҳисобланади;

интеллектуал мулк объектларига бўлган мулк ҳуқуқларини учинчи шахсларга ўтказиш ва мазкур объектлардан фойдаланиш ҳуқуқини лицензия шартномаларини тузиш орқали, шу жумладан, уларни кейинчалик ушбу ҳуқуқлар олувчиси томонидан тижоратлаштириш шарти билан бериш.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган параметрларини шакллантиришда «Илм-фан» моддаси бўйича ажратилаётган маблағлар доирасида қуйидагиларни амалга ошириш учун маблағларнинг камида 20 фоизи йўналтирилишини назарда тутсин:

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини, шу жумладан, давлат-хусусий илмий кластерларини яратишга, илмий-техникавий тадқиқотларни республика иқтисодиёти тармоқлари ва минтақалари эҳтиёжларига мослаштиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш;

илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштиришга, шу жумладан, бюджет маблағлари олувчилар

фаолиятини тегишли маслаҳатчилар томонидан экспертизадан ўтказиш, кўллаб-қувватлаш, халқаро стандартларга мувофиқ бизнес-режаларни тайёрлашга грантлар ажратиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академиясининг 2018 йил 1 октябрдан бошлаб қуйидагиларга қўшимча бир марталик мукофотлар жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

патентланган интеллектуал мулк объектлари муаллифларига муассасанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида;

муаллифлар ҳамда илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини ишлаб чиқиш ва тижоратлаштиришда иштирок этган илмий жамоага уларни тижоратлаштиришдан муассаса ҳисобига келиб тушаётган маблағларнинг тегишли равишда 40 ва 30 фоизи миқдорида.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар бўйича давлат илмий-техник дастурларини бажариш доирасида муассасалар томонидан яратилган илмий ва илмий-техникавий фаолият натижалари, давлат илмий-техник лойиҳалар якунланганидан ва (ёки) улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан кейин тижоратлаштирилиши лозим, фундаментал тадқиқотлар натижалари, шунингдек, гуманитар ва ижтимоий фанлар соҳасидаги лойиҳалар бундан мустасно;

муассасаларнинг илмий кенгашлари ишлаб чиқариш сири (ноу-хау) ёки тижорат сири режимида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг интеллектуал (номоддий) натижасини қўриқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

**• Бугунги кунда ҳар бир олий таълим муассасасида ташкил этилган Тижоратлаштириш бўлинмаси фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:**

- тизимли равишда бозорни таҳлил қилиш ва инновацион маҳсулотларга (ишлар, хизматлар) бўлган талаб, инновацион маҳсулотларни тижоратлаштириш билан боғлиқ бўлган қоплаш муддатини баҳолаш, рентабеллик ва рискларни ўрганиш;

- юқори тижорат салоҳиятига эга ва реализация қилиш учун тайёр бўлган истиқболли лойиҳаларни танлаб олиш;

- инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун инвесторлар, ҳамкорлар ва бошқа манфаатдор шахсларни жалб қилиш

- янги технологиялар ва инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқишни жорий қилиш мақсадида саноат корхоналари билан ҳамкорлик қилиш.

**Тижоратлаштириш бўлинмаси қуйидаги функцияларни амалга оширади:**

- белгиланган тартибда институтнинг профессор-ўқитувчилари, ўқув-ёрдамчи ва ишлаб чиқариш ходимлари, докторант ва талабаларни ҳамда олий ўқув юртлари томонидан буюртмачиларга бюджет ва бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган хизматларни кўрсатувчи илмий тадқиқот ишларини бажарувчи ташкилотларнинг мутахассисларини жалб қилиш;

- институтнинг интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий жиҳатдан қўриқлаш ишларини бажариш, шу жумладан хориж ва Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулкларни тайёрлаш, расмийлаштириш ва рўйхатдан ўтказишга ариза бериш ишларини амалга ошириш;

- интеллектуал мулк муаллифлари билан амалдаги қонунчиликда назарда тутилган шартномаларни тайёрлайди ва уларнинг бажарилишини назорат қилади;

- бошқа бўлинмалар билан биргаликда институтнинг интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни беришни ўрганади, институтнинг интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқини беришга оид расмийлаштириш ишларини амалга оширади;

- интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланиш самарадорлиги ва мониторинги, илмий-тадқиқот натижалари ва олий ўқув юртлари ишланмалари бўйича маълумотлар базасини юритиш ва сақлаш ишларини амалга оширади;

- илмий-тадқиқот фаолияти ва инновацион лойиҳалар натижаларининг илмий-техник, илмий-услубий ва инновацион салоҳиятини баҳолаш, таҳлил қилиш ва экспертизадан ўтказишда ўта муҳим ва рақобатбардош ишланмаларни аниқлашни ташкил этади;

- интеллектуал мулкни бошқариш, қайд қилиш, тақсимлаш ва инновацион жараёнларнинг барча босқичларида илмий-тадқиқот фаолияти натижаларининг ҳуқуқини бериш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишни амалга оширади;

- институт илмий жамоасини рақобатбардош илмий-техникавий маҳсулот ишлаб чиқариши ва унинг ҳаракати, шу жумладан интеллектуал фаолият натижаларини амалиётга жорий этиш мақсадида хўжалик объектларини таъсис этиш орқали қўллаб-қувватлашни таъминлайди;

- технологиялар трансфери, инновацион лойиҳаларнинг бизнес



режаларини тайёрлаш, рақобатбардош устувор жиҳатлар ва рискни баҳолаш, илмий-тадқиқот фаолияти натижаларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, салоҳиятли инвесторларни излаш бўйича маслаҳат хизматларини кўрсатади;

- институт томонидан тузиладиган илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик, пудрат ишлари, ҳамкорлик фаолияти, халқаро илмий-техник ҳамкорлик ва интеллектуал мулк масалаларига оид бошқа шартномаларни тайёрлайди ҳамда шартномалар бажарилишини назорат қилади;

- институтнинг интеллектуал мулк объектларидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш ҳолатларини аниқлайди ва раҳбариятга қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш ва келтирилган зарарни қоплаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш таклифини беради, шунингдек ушбу қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этишга оид зарур чораларни кўради;

- институтнинг интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳамда муаллифларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилишда иштирок этади;

- институтнинг ишчиларига - интеллектуал мулк объектлари эгаларига уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларини амалга оширишда, шу жумладан амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ҳуқуқ ва имтиёзлар бўйича маслаҳат, ҳуқуқӣ ва ахборот ёрдамани беради;

- институтнинг ходимлари ўртасида интеллектуал мулк соҳасида ўқитишни ташкил этади;

- институт ахборот ресурс базасининг норматив, услубий ва патент маълумоти ишларининг ўз соҳасининг ихтисослашувига кўра фаолиятини мувофиқлаштириб туради;

- институтнинг ихтирочилик ва патент-литсензия фаолияти юзасидан инновацион тадбиркорлик ва технологиялар трансферини қўллаб-қувватлаш бўйича бюджет лойиҳасига киритиш таклифини тайёрлайди;

- институтнинг интеллектуал мулк объектларини яратиш, қўриқлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган регламент масалаларига оид ҳужжатларни ишлаб чиқади.

### **3. Таълим муассасаси инвестицияларни жалб этишнинг асосий йўналишлари.**

Инвестиция (сармоя) дегани – даромад ёки фойда олиш мақсадида маблағни муайян муддатга тадбиркорлик ва бошқа фаолият турлари (объектлари)га йўналтиришни тавсифлайди.

Таълим инсон омилига инвестициядир. Жамият ва давлат бундай инвестициялардан манфаатдор, чунки таълим даражасини ошириш

идтисодий ўсишни таъминлайди, меҳнат унумдорлигини оширади, ижтимоий муаммоларни юмшатади. Шунинг учун ҳам таълимга йўналтирилган молиявий ресурсларнинг салмоғи устувор ҳисобланади.

ОТМларининг бюджетдан ташқари фаолияти асосий турларини кўйидаги йўналишлар бўйича таснифлаш мумкин:

1. Таълим хизматлари соҳаси:

- тўлов-контракт асосида таълим бериш;
- олий таълим муассасаларига киришга тайёрлаш;
- корхоналар билан шартномалар асосида мутахассисларни тақсимлаш;
- кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш (Малака ошириш факультетлари (МОФ) ва институтлари (МОИ));
- иккинчи олий маълумот бериш;
- турли бизнес-мактаблар ташкил этиш;
- чет тилларни жадал курсларини ташкил этиш;

махсус сертификатлар олиш учун курсларда қўшимча таълим (кўриш (дастурчилар, бухгалтерлар, аудиторлар ва бошқалар);

жисмоний ва юридик шахслар учун пуллик маслаҳатлар ташкил этиш;

- қисқа муддатли пуллик курслар ва семинарлар ташкил этиш.

Консалтинг хизматлар, юридик хизматлар.

2. Илмий-ишлаб чиқариш фаолияти:

— хўжалик шартномаси асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб **бориш;**

- консалтинг ва маълумот-ахборот фаолияти;

- худудларда юқори технологияларни татбиқ, этиш билан боғлиқ

**фаолият;**

- илмий мақсадлардаги ускуналар ва жихозлар лизингини ташкил этиш;

- кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларга бизнес режалар

тузиш, инновацион ғояларни таклиф этиш;

- ҳукумат идоралари, худудий бошқарув органлари ёки тижорат

тузилмалари буюртмалари асосида фанлараро комплекс тадқиқотлар олиб **бориш;**

- кичик бизнесга илмий-техникавий кўмаклашиш;

- илмий-техникавий парклар ва янгиликлар инкубаторларини ташкил

этиш;

- тижорат ва хўжалик ҳисобидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари билан

якка тартибдаги шартномалар асосида илмий ишларни бажариш;

- ОТМлари олимларининг кашфиётлари ва ихтироларига патент на

лицензиялар сотиш;

- тижорат фирмалари ва корхоналари билан биргаликда илмий-тадқиқот марказлари ҳамда лабораториялари ташкил этиш;
- хорижий инвесторлар иштирокида қўшма корхоналар тузиш; тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш;
- пуллик илмий-амалий конференциялар ва семинарлар ташкил этиш;
- ОТМларининг таълим ва илмий-тадқиқот хизматлари рекламасини ташкил этиш;
- аудиторлик фаолиятини ташкил этиш;
- Ўзбекистан Республикаси қонунчилигида тақиқланмаган бошқа илмий-ишлаб чиқариш тусидаги инновацион фаолият турлари билан шуғулланиш.

### 3. Ташқи иқтисодий фаолият:

- хорижий талабалар, аспирантлар, магистрантлар, стажёрларга таълим беришни ташкил этиш;
- хорижий олий таълим муассасалари билан биргаликда қўшма факультетлар ташкил қилиш;
- хорижий ҳамкорлар билан қўшма корхоналар ташкил қилиш;
- хорижий жамғармалар билан олий таълимни қўллаб-қувватлаш дастурларида иштирок этиш;
- Ўзбекистан талабаларини хориждаги олий таълим муассасаларига ўқишга юбориш;
- турли хил хорижий инвестицияларни жалб этиш.

### 4. Тижорат фаолияти:

- дарсликлар, ўқув-услубий ва илмий-оммабоп адабиётлар нашр этиш;
- даврий нашрлар чиқариш;
- реклама фаолиятини ташкил этиш;
- бўш хоналарни ижарага бериш;
- хоналарнинг узоқ муддатли ижараси (лизинги);
- таътил вақтида бўш қолган ётоқхоналарни қисқа муддатли ижарага бериш;
- конференциялар ва пуллик машғулотлар ўтказиш учун конференция залларни, аудиторияларни ижарага бериш;
- ўқишдан ва ишдан ташқари вақтда тантанали маросимлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш учун ошхоналарни ижарага бериш;
- талабалар, ходимлар ва аҳолига турли пуллик хизматлар кўрсатиш;
- умумий овқатланиш шаҳобчаларини ташкил этиш;
- ОТМга тегишли соғломлаштириш муассасаларининг пуллик асосдаги даволаш ва соғломлаштириш хизматлари;

- спорт комплекслари ёки стадионлар хизматлари;
- маиший хизматлар (сартарошхоналар, кимёвий тозалаш, кир ювиш, пойабзал таъмирлаш ва д.к.);
- пуллик болалар боғчалари ёки болалар майдончалари ташкил этиш;
- тижорат ташкилотларига олий таълим муассасасининг рамзлари ва реквизитларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш.

#### 5. Хомийлик:

- турли мулк шаклидаги корхона, ташкилот ва фирмалардан ҳомийлик маблағларини жалб этиш;
- хизмат кўрсатиш ва ишлар бажариш (капитал таъмирлаш, ўқув биноларини безаш, ҳудудларни ободонлаштириш ва х.к.);
- ускуналарни бепул бериш (аудио-видео ва компьютер техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари, ёзув қоғозлари ва х.к.);
- кутубхона фондини тўлдириш (дарсликлар, ўқув қўлланмалари, каталоглар, бадиий адабиёт ва х.к.);
- хорижий инвестицияларни жалб этиш (кичик босмахоналар, автотранспорт, ўқув-лаборатория ускуналари, ўқув адабиётлари).

#### 6. Олий таълим муассасалари Васийлик кенгашининг Ривожлантириш жамғармаси:

Васийлик кенгаши низом мажбуриятларига мувофиқ ОТМни ривожлантириш жамғармасини шакллантириши мумкин. ОТМнинг Васийлик кенгаши жамғармаси қуйидагилар ҳисобига ташкил топади;

- давлат корхоналарининг кўнгилли бадаллари;
- турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг ихтиёрий бадаллари;
- фуқороларнинг кўнгилли хайриялари;
- хорижий инвесторларнинг кўнгилли хомийлик бадаллари;
- Васийлик кенгашининг хорижий фирмалар билан тузган қўшма корхоналар фаолиятдан келадиган даромадлар;
- тижорат банклари ёки бошқа молия институтлари томонидан берилган кредитлар;

**Таълим муассасаларини молиявий мустақиллиги шароитида ўқув, услубий, илмий, маънавий, маърифий ва ташкилий фаолиятини молиявий таъминотини ташкил этиш.**

Таълим муассасаларини бюджетдан молиялаштириш механизми давлатнинг иқтисодий ва молиявий сиёсатида боғлиқ тарзда бюджетларни тузиш ва ижро этишнинг ягона қоидаларида фойдаланишга асосланган.

Олий таълим муассасаларининг молиявий ресурслари икки асосий

манба: **давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар** (1-чизмага қаранг) ҳисобидан шаклланади.


Олий таълим муассасасининг бюджетдан тўланадиган харажатларини ҳисоб-китоб қилишнинг асосида қуйидаги ишлаб чиқариш (оператив-тармоқ, кўрсаткичлари) ётади:

- талабалар қабул гранти миқдори;
- талабалар контингента (сони);
- таълим муассасаси моддий-техника базасининг ҳажми.

- Профессор-ўқитувчи лавозимлари сонини ва шу асосда тегишли иш ҳақи фондини аниқлаш учун бир ўқитувчига белгиланган талабалар сонига кўра белгиланган меъёр қўлланилади.

Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан *назорат* қилиш харажатларни уларнинг гуруҳлари ва моддалари бўйича ажратилишида амалга оширилади.

**Ўзбекистан Республикасида таълим тизимини молиялаштириш.**



**1-чизма. ОТМларининг бюджетдан ташқари фаолияти асосий турларини қуйидаги йўналишлар бўйича таснифлаш мумкин:**

- ⇒ Таълим хизматлари соҳаси
- ⇒ Илмий-ишлаб чиқариш фаолияти
- ⇒ Ташқи иқтисодий фаолият:
- ⇒ Тижорат фаолияти
- ⇒ Хомийлик
- ⇒ Олий таълим муассасалари Васийлик кенгашининг  
Ривожлантириш жамғармаси

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ. МАВЗУ: МОЛИЯВИЙ ЎЗИНИ-ЎЗИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИДА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ АМАЛИЁТИ (4 СОАТ)

Молиявий ўзини-ўзи таъминлаш жараёнида олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг амалиёти. Ўзбекистон Республикасида молиявий ўзини-ўзи таъминлашга ўтган 10 та ОТМлари фаолиятини амалий таҳлил этиш ва тегишли хулосалар шакллантириш. Келгусида республика бошқа ОТМларига ҳам молиявий мустақиллик бериш масалаларини муҳокама этиш ва унинг амалий таҳлили.

Олий таълимни молиялаштириш, жумладан, молиявий ўзини-ўзи таъминлаш ва унинг асосий компонентлари асосида молиявий мустақиллигини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон қарорига мувофиқ ўзини ўзи молиялаштириш тизимида ўтаётган олий таълим муассасаларига қуйидаги ҳуқуқлар берилганлиги маълумот учун қабул қилиниши:

а) юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини ошириш мақсадида ходимларга устамалар ва моддий рағбатлантиришнинг бошқа турлари миқдорларини мустақил белгилаш;

б) иқтидорли, шунингдек аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларидан бўлган талабаларни моддий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш;

в) сақлаш харажатлари, вазифа ва мажбуриятларни бажариш, ўқитишнинг инновацион шакл ва услубларини жорий этиш ҳамда ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, дастурий таъминотлар, замонавий ахборот-коммуникация воситалари, ўқув ва илмий лабораториялар ҳамда сарфланадиган лаборатория материалларини (реактивлар, кимёвий идиш, бутловчи, биологик материаллар ва бошқа объектлар), шу жумладан китоблар, журналлар, ўқув адабиётлари харид қилиш ва чоп этириш учун маблағларни мустақил сарфлаш;



г) олий таълим муассасаси инфратузилмасига сервис хизматлари кўрсатишнинг алоҳида турлари, жумладан бино ва иншоотлар, талабалар турар жойлари, спорт объектларидан фойдаланиш, уларни тозалаш, таъмирлаш, компьютер техникаси ва телекоммуникация тармоқларини сақлаш ва юридик хизматлар кўрсатишни аутсорсинг шартларида ташкил этиш;

д) бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора билан келишилган ҳолда:

олий таълим муассасасининг илмий-педагогик салоҳияти, унинг моддий-техник базаси имкониятларини инобатга олиб, талабаларни тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш параметрларини белгилаш, янги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини очиш;

олий таълим муассасасини ўзини ўзи тўлиқ молиявий таъминлаш миқдоридан келиб чиқиб, тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилаш.

Бунда, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб, тўлов-контракт асосида қабул қилинган талабалар учун тўлов-контракт қиймати миқдорлари бир талабани бир йиллик ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб белгиланади.

ўзини ўзи молиялаштириш тизимида ўтказилган олий таълим муассасаларида давлат буюртмаси асосида таълим олаётган талабаларни ўқитиш билан боғлиқ харажатлар учун бюджет маблағларини ажратиш бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги), тури, босқичи ва шаклидан келиб чиқиб давлат гранти асосидаги ўрин учун сарфланадиган харажатларнинг норматив миқдорларига мувофиқ амалга оширилади. Бунда, бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг йиллик чекланган суммаси давлат гранти асосида таълим олаётган контингент сони ва ҳар бир давлат гранти асосидаги ўрин учун сарфланадиган харажатларнинг норматив миқдорлари асосида ҳисобланади;

ўзини ўзи молиялаштириш тизимида ўтказилган олий таълим муассасаларида давлат буюртмаси асосида таълим олаётган талабалар учун бюджет маблағлари бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора ҳамда олий таълим муассасаси ўртасида имзоланадиган давлат буюртмасини бажаришни молиялаштириш битими асосида харажатлар сметасида бюджет тизими бюджетлари иқтисодий харажатлар таснифининг бир сатрида режалаштирилган ҳолда ажратилади (мақсадли маблағлар, шу жумладан стипендия тўловлари, олий ўқув юртидан кейинги таълим харажатлари, капитал қўйилмалар харажатлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти

ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида ажратиладиган маблағлар бундан мустасно);

ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилган олий таълим муассасаларида давлат буюртмаси асосида таълим олаётган талабалар учун ажратилган бюджет маблағлари (мақсадли маблағлар бундан мустасно) олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилади ва ҳисобот даври охирида маблағларнинг қолдиғи олий таълим муассасаси ҳисобида қолдирилади;

ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилган олий таълим муассасаларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, жумладан ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва стипендия тўловларини ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш учун жавобгарлик мазкур муассасалар ректор (директор)лари зиммасига юкланади.

## ОТМ молиявий ўзини-ўзи таъминлаш

- Бозор иқтисодиёти асосий шарти
- ОТМ молиявий мустақиллигига эришади
- Профессор-ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш механизми мустақил белгиланади
- Хорижий профессор-ўқитувчиларни жалб этиш ошади, хорижий фуқаро талабаларни жалб қилади
- Талабалар қабул қилиш қилиш квотаси мустақил шаклланади
- Иқтидорли ва ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларни рағбатлантириш мустақил амалга оширилади

- Ўқитиш инновацион шакллари ва методлари жорий этиш, ОТМ моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув лабораториялар ташкил этиш, лаборатория жиҳозларини харид қилишда мустақил
- Профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, хорижий давлатларда ўқитиш имкони ошади
- Адабиётлар, ўқув қўлланма ва дарсликларни нашр этиш мустақил амалга оширилади
- Айрим хизматларни аутсорсингга бериш имкони пайдо бўлади
- Бакалавр, магистратура ва докторантура янги йўналишлар қабули ва контракт суммаларини ҳамда тўлаш муддатларини мустақил белгилайди
- Ректор университет структурасини мустақил белгилайди
- Университетларни акциялаштириш имкони пайдо бўлади

**2020 йил 1 январдан бошлаб, тажриба-синов тарикасида ўзини-ўзи  
молиялаштириш тизимига ўтказилган олий таълим муассасалари**

**РЎЙХАТИ**

1. Самарканд давлат чет тиллар институти
2. Самарканд иқтисодиёт ва сервис институти
3. Тошкент давлат юридик университети
4. Тошкент давлат иқтисодиёт университети
5. Тошкент молия институти
6. Тошкент давлат шаркишунослик институти
7. Тошкент фармацевтика институти
8. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
9. Урганч давлат университети
10. Тошкент темир йўл муҳандислари институти  
(Тошкент давлат транспорт университети)

## 2-МАВЗУ: МОЛИЯВИЙ ЎЗИНИ-ЎЗИ ТАЪМИНЛАШ ОРҚАЛИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ (4 СОАТ)

Молиявий ўзини-ўзи таъминлаш жараёнида олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда мавжуд муаммолар ва уларнинг талқини.

Молиявий ўзини-ўзи таъминлаш жараёнида олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўллари.

Молиявий ўзини-ўзи таъминлаш жараёнида олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш.

Олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш, молиявий барқарорликни таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, молиялаштиришнинг самарали ва шаффоф механизмларини жорий этиш;

иктисодиёт тармоқларининг кадрларга бўлган эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, шунингдек истиқболда олий таълим муассасаларининг рейтинги ва ўз харажатларини қоплаш даражасидан келиб чиқиб бакалаврият таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) бўйича тўлов-контракт миқдорларини мустақил белгилаш тизимига босқичма-босқич ўтиш;

олий таълим муассасаларининг таълим хизматлари экспорти ва қўшимча хизматлар кўрсатишга доир фаолиятини ривожлантириш;

қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш, ушбу жараёнда инновацион технологияларга асосланган, ресурстежамкор ва тез барпо этиладиган конструкция ва материаллардан фойдаланиш бўйича илғор технологиялар ва муҳандислик ечимларини қўллаш;

олий таълим муассасаларини замонавий дастурий маҳсулотлар билан таъминлаш, ўқув ва илмий жараёнларни ўқув ва лаборатория ускуналари, шунингдек лаборатория материаллари (реактивлар, кимёвий идиш, бутловчи, биологик материаллар ва бошқа объектлар) билан мунтазам равишда зарур миқдорларда таъминлаб боришнинг самарали механизмларини яратиш;

талабалар турар жойлари, кутубхона, ўқув устахоналари, лабораториялар, спорт соғломлаштириш ва ижтимоий инфратузилма

объектларига нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжни ўз вақтида таъминлаш ва замон талаблари асосида уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

имконияти чекланган талабаларга олий таълим муассасалари ва талабалар турар жойлари биноларида қўшимча шароитлар яратиш, улар учун таълим муассасаларини зарур адабиётлар, методик қўлланмалар билан таъминлаш чораларини кўриш;

олий таълим муассасаларида хорижий фуқароларнинг истиқомат қилиши ва таълим олиши бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш;

инновацион кутубхоналарни ташкил этиш, улардаги китоб фондини янги авлод ўқув адабиётлари билан мунтазам бойитиш;

олий таълим муассасаларини юқори тезликдаги интернет билан узлуксиз таъминлаш, талабаларнинг мустақил таълим олиши учун инфратузилма имкониятларини кенгайтириш;

талабалар, ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларнинг электрон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон каталоглари ва маълумотлар базаларидан бепул фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларидан бўлган талабаларни моддий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш;

олий таълим муассасаларида ҳомийлик ва илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштиришдан тушган, мақсадли капитал ва бошқа маблағлар ҳисобига молиялаштириладиган эндаумент жамғармаларини (endowment fund) ташкил этиш.

Олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

а) кадрлар тайёрлаш сифати ва қўламини инобатга олган ҳолда олий таълим муассасаларини қуйидаги тоифаларга ажратиш ва уларни ривожлантириш стратегияларини белгилаш:

биринчи тоифа — флагман университетлар (Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университети);

иккинчи тоифа — илм-фан ва инновацион марказ функциясини бажарувчи ҳудудий олий таълим муассасалари;

учинчи тоифа — соҳалар учун таълим ва илмий тадқиқотлар бўйича таянч муассасалар ролини бажарувчи тармоқ олий таълим муассасалари;

б) институт мақомидаги олий таълим муассасалари фаолияти қўламини кенгайтириш ва институционал салоҳиятини кучайтириш орқали уларни университетга айлантириш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

в) олий таълим муассасаларини уларнинг қуввати, илмий салоҳияти ва бошқа асосий кўрсаткичларидан келиб чиқиб босқичма-босқич йириклаштириб бориш;

г) тажриба тариқасида давлат улушининг 51 фоиздан кам бўлмаган қисмини сақлаб қолган ҳолда айрим давлат олий таълим муассасаларини (олий ҳарбий таълим муассасалари бундан мустасно) давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, уларда корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш;

д) олий таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда Республика олий таълим кенгаши нуфузи ва фаоллигини ошириш, масъулиятини кучайтириш, олий таълим муассасаларида жамоатчилик назоратининг замонавий механизмларини жорий этиш;

е) олий таълим тизимида бошқарув жараёнларини ахборот-коммуникация технологиялари асосида оптималлаштириш, давлат интерактив хизматлари кўламини кенгайтириш;

ж) олий таълим муассасаларини ривожлантиришда стратегик режалаштириш тамойилларини жорий этиш, бунда васийлик кенгашлари масъулияти ва ролини ошириш;

з) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси функцияларини хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, бунда таълим сифатини баҳолашнинг янги механизмларини жорий этиш, кадрлар буюртмачилари ва талабалар ўртасида ўтказилган миллий сўров натижаларини чуқур тадқиқ қилиш орқали муаммоларни бартараф этиш, давлат ва нодавлат таълим муассасаларида таълим сифатини таъсирчан инструментлар ёрдамида назорат қилиб бориш, битирувчилар сифати ва уларнинг ихтисослиги бўйича ишга жойлашиш масалаларига эътибор қаратиш;

и) таълим сифатини назорат қилиш ва олий таълим муассасалари рейтингини юритишнинг нодавлат тизимини яратиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаш;

й) олий таълим муассасаларида ишга қабул қилиш ва юқори лавозимларга тайинлашда олий таълим тизими ривожини учун ўзининг муносиб ҳиссасини қўшувчи кадрларни танлаш, уларнинг фаолияти, профессионал хусусиятлари, соҳа олдидаги алоҳида хизматларини адолатли ва холисона баҳолашни назарда тутувчи меритократия тамойилларини қўллаш, раҳбарлик лавозимларига тайинлашда гендер тенглиги тамойилларига қатъий риоя қилиш;

к) олий таълим муассасалари раҳбарлик лавозимларига захира кадрларни шакллантириш, мақсадли ўқитиш ва тайёрлаш самарадорлигини ошириш;

л) олий таълим муассасалари раҳбар ходимларини ротация қилиш механизмини жорий қилиш.

### Таълим муассасаси инвестицияларни жалб этишнинг асосий йўналишлари

Таълим инсон омилига инвестициядир. Жамият ва давлат бундай инвестициялардан манфаатдор, чунки таълим даражасини ошириш иқтисодий ўсишни таъминлайди, меҳнат унумдорлигини оширади, ижтимоий муаммоларни юмшатади. Шунинг учун ҳам таълимга йўналтирилган молиявий ресурсларнинг салмоғи устувор ҳисобланади.





## Таълим муассасаларини молиявий мустақиллиги шароитида ўқув, услубий, илмий, маънавий, маърифий ва ташкилий фаолиятини молиявий таъминотини ташкил этиш

Таълим муассасаларини бюджетдан молиялаштириш механизми давлатнинг иқтисодий ва молиявий сиёсатига боғлиқ тарзда бюджетларни тузиш ва ижро этишнинг ягона қондаларидан фойдаланишга асосланган.

Олий таълим муассасасининг бюджетдан тўланадиган харажатларини ҳисоб-китоб қилишнинг асосида қуйидаги ишлаб чиқариш (оператив-тармоқ, кўрсаткичлари) ётади:

- талабалар қабул гранти миқдори;
- талабалар контингенти (сони);
- таълим муассасаси моддий-техника базасининг ҳажми.

-Профессор-ўқитувчи лавозимлари сонини ва шу асосда тегишли иш хақи фондиди аниқлаш учун бир ўқитувчига белгиланган талабалар сонига кўра белгиланган меъёр қўлланилади.

Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан назорат қилиш харажатларини уларнинг гуруҳлари ва моддалари бўйича ажратилишида амалга оширилади.

### Таълим хизматлари соҳаси:

тулов-контракт асосида таълим бериш;  
олий таълим муассасаларига киришга тайёрлаш;  
корхоналар билан шартномалар асосида мутахассисларни тақсимлаш;  
кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш (Малака ошириш факультетлари (МОФ) ва институтлари (МОИ));  
иккинчи олий маълумот бериш;  
турли бизнес-мактаблар ташкил этиш;

### Илмий-ишлаб чиқариш фаолияти:

ҳужалик шартномаси асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;  
консалтинг ва маълумот-ахборот фаолияти;  
худудларда юқори технологияларни татбиқ, этиш билан боғлиқ фаолият;  
илмий мақсадлардаги ускуналар ва жиҳозлар лизингини ташкил этиш;  
кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларга бизнес режалар тузиш, инновацион ғояларни таклиф этиш;  
ҳукумат идоралари, ХУДУДИЙ бошқарув органлари ёки тижорат тузилмалари бўйртмалари асосида фанлараро комплекс тадқиқотлар олиб бориш;  
кичик бизнесга илмий-техникавий қумаклашиш;

### Хомийлик:

турли мулк шаклидаги корхона, ташкилот ва фирмалардан хомийлик маблағларини жалб этиш;  
хизмат курсатиш ва ишлар бажариш (капитал таъмирлаш, удув биноларини безаш, худудларни ободонлаштириш ва д.к.);  
ускуналарни бепул бериш (аудио-видео ва компьютер техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари, ёзув қоғозлари ва д.к.);  
кўтубхона фондиди тўлдириш (дарсликлар, ўқув қўлланмалари, каталоглар, бадиий адабиёт ва д.к.);  
хорижий инвестицияларни жалб этиш (кичик босмахоналар, автотранспорт, ўқув-лаборатория ускуналари, ўқув адабиётлари).

# V. ГЛОССАРИЙ

## V. ГЛОССАРИЙ

| №  | Термин   | Изоҳ  | Description   |
|----|--|---|---|
| 1. | <b>аутсорсинг</b><br><b>outsourcing</b>            | -outer-source-using сўзидан олинган бўлиб, ташқи ресурс (манба)лардан фойдаланиш, деган маънони англатади) бирон-бир ташкилотнинг ички хизмат кўрсатиш ёки бизнес жараёнларининг бошқа ташкилот, ёки компанияларга ўтишидир.                                    | - is the business practice of hiring a party outside a company to perform services and create goods that traditionally were performed <a href="#">in-house</a> by the company's own employees and staff.  |
| 2. | <b>Бюджет</b><br><b>budget</b>                     | – бу давлат ва маҳаллий ўз ўзини бошқариш вазифалари ва функцияларини молиявий таъминлаш учун мўлжалланган пул маблағлари жамғармаларини тўплаш ва сарфлаш шаклидир.  | - is an estimation of <a href="#">revenue</a> and <a href="#">expenses</a> over a specified future period of time and is usually compiled and re-evaluated on a periodic basis. Budgets can be made for a person, a family, a group of people, a business, a government, a country, a multinational organization or just about anything else that makes and spends money. |
| 3. | <b>Инвестиция</b><br><b>investment</b>             | – бу иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқларидир.<br>– Инвестиция фаолияти шуғулланувчи субъектларига қараб миллий ва хорижий инвестицияларга бўлинади.                                   | - Investment activity is divided into national and foreign investments depending on the subjects involved.  |
| 4. | <b>Грант</b><br><b>Grant</b>                       | – мақсадли воситалар, корхоналар, ташкилотлар ва шахсларга пул ва натура кўринишида ҳамда тажриба-конструкторлик ишлари, ўқиш учун бериладиган стипендия.   | - Scholarships for targeted funds, businesses, organizations and individuals in the form of money and in-kind and experimental design work.   |
| 5. | <b>Ижтимоий таъминот</b><br><b>Social security</b> | — кексайган, меҳнатга лаёқатсиз бўлган ва боқувчисини йўқотган фуқароларга моддий, тиббий ва <a href="#">ижтимоий ёрдам</a> кўрсатиш бўйича <a href="#">давлат</a> томонидан белгиланган ижтимоий-иқтисодий тадбирлар тизими. Ижтимоий ҳимоянинг муҳим тармоғи. | - The state system of social and economic measures to provide material, medical and social assistance to the elderly, the disabled and the lost breadwinner. An Important   |

|     |  |  |  |
|-----|--|--|--|
|     |  |  | Network of Social Security.  |
| 6.  | <b>Венчур фондлари</b><br><br><b>Venchor Funds</b> | – инновацион корхоналар ва лойихалар(стартаплар) билан ишлашга юналтирилган рискли инвестиция фонди.<br>– Венчур капитал фондлари қимматбаҳо қоғозларга ёки корхонанинг акцияларига сармоя киритади.   | - Risky investment fund aimed at working with innovative enterprises and projects (startups).<br>- Venchor Capital Funds invest in stocks or shares of the enterprise.   |
| 7.  | <b>Патент</b><br><br><b>patent</b>                 | – техник ечим ёки ихтиронинг давлат томонидан эътироф этилган ва ихтирочининг ўз ихтиросига олган мутлоқ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.<br>– патентни одатда давлат беради.  | - A state-recognized technical solution or a document confirming the exclusive rights of the inventor on his invention.<br>- A patent is generally granted by the State.   |
| 8.  | <b>Нострификац ия</b><br><br><b>Nostrification</b> | – (нем. nostrifikation, лотинча poster — бизники, лотинча facere — қилмоқ) деганда хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ушбу ҳужжатларнинг қонуний кучга эга эканига розилик бериш тушунилади. | – recognition of education documents abroad, agreeing that these documents are valid throughout the territory of the Republic of Uzbekistan.   |
| 9.  | <b>Инфратузилм а</b><br><br><b>Infrastructure</b>  | – товар муомаласи, шунингдек, инсон фаолияти учун зарур бўлган меъёрий шароитни таъминлашга хизмат қилувчи турли-туман ёрдамчи хизмат кўрсатувчи соҳалар мажмуидир.  | - A wide range of auxiliary services, which provide the necessary conditions for goods circulation, as well as human activities.   |
| 10. | <b>Мониторинг</b><br><br><b>Monitoring</b>         | – аτροφ-муҳит ва жамиятда содир бўлаётган ҳодисалар ва жараёнларни доимий равишда кузатиб бориш тизими, унинг натижалари одамлар ва иқтисодий объектларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун бошқарув қарорларини асослашга хизмат қилади..                                    | - A system of continuous monitoring of events and processes in the environment and society, the results of which serve as the basis for management decisions to ensure the safety of people and economic facilities. |
| 11. | <b>Идентификац ия</b><br><br><b>Identification</b> | – фойдаланиш субъектлари ва объектларига идентификатор бериш ва/ёки тақдим этилган идентификаторни берилганлари рўйхати билан таққослаш.   | -assignment to subjects and objects of access of the identifier and/or comparison of the shown identifier with the list of the appropriated identifiers.   |

# VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

## VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.:Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июль “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сонли Фармони
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июль “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий

этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрь «Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида»ги 967-сонли Қарор

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 август «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги “343-сонли қорорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли қарори.

### **III. Махсус адабиётлар:**

18. Олий таълимнинг меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлари тўплами. -Т., 2013.

19. Распространение Болонского процесса: о декларации к внедрению на практике. В 3-х частях. Часть 2. Тенденции развития Болонского процесса, его инструменты и опыт внедрения / Р.Р. Агишев, И.В. Анисимова, Ш.М. Валитов, Д.А. Гопкало, В.Г. Крюков, А.Е. Пушкина, Л.А. Симонова, А.П. Снегуренко. Под ред. проф. Р.Р. Агишева. - Казань, КГТУ им. А.Н. Туполева, 2008. - 118 с.

20. The European Higher Education Area. - Joint Declaration of the Ministers of Education. - Bologna, 1999, 19 June.

21. Shaping our Own Future in the European Higher Education Area // Convention of European Higher Education Institutions. - Salamanca, 2001, 29-30 march.

### **IV. Интернет сайтлар:**

22. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

23. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

24. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази.

25. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet.

26. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.